

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 436-ҳадис

436 - Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ азза ва жалланинг Иброҳим (алайҳиссалом) ҳақидаги «Роббим, улар (санамлар) одамлардан кўпини адаштиришди. Аммо ким менга эргашса, у мендандир»[1] деган сўзини ва Исо алайҳиссаломнинг «Агар уларни азобласанг, улар Ўзингнинг бандаларинг. Агар уларни мағфират қилсанг, албатта, Сен азизсан, ҳақимсан»[2] дегани (ҳақидаги оятлар)ни тиловат қилиб, қўлларини кўтардилар-да, «Аллоҳим, умматим, умматим!» деб йиғладилар. Шунда Аллоҳ азза ва жалла: «Эй Жаброил, Роббинг Ўзи билса ҳам, Муҳаммаднинг олдига бориб, «Нима учун йиғлаяпсан?» деб сўрагин», деди. Жаброил алайҳиссалом у зотнинг ҳузурларига келиб, сўраган эди, Аллоҳ Ўзи билса ҳам, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам нима деганларини унга (Жаброилга) айтдилар. Шунда Аллоҳ: «Эй Жаброил, Муҳаммаднинг олдига бориб, «Умматинг хусусида сени рози қиламиз, маҳзун қилиб қўймаймиз», деб айт», деди».

1. 436. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ азза ва жалланинг Иброҳим (алайҳиссалом) ҳақидаги «Роббим, улар (санамлар) одамлардан кўпини адаштиришди. Аммо ким менга эргашса, у мендандир»[1] деган сўзини ва Исо алайҳиссаломнинг «Агар уларни азобласанг, улар Ўзингнинг бандаларинг. Агар уларни мағфират қилсанг, албатта, Сен азизсан, ҳақимсан»[2] дегани (ҳақидаги оятлар)ни тиловат қилиб, қўлларини кўтардилар-да, «Аллоҳим, умматим, умматим!» деб йиғладилар. Шунда Аллоҳ азза ва жалла: «Эй Жаброил, Роббинг Ўзи билса ҳам, Муҳаммаднинг олдига бориб, «Нима учун йиғлаяпсан?» деб сўрагин», деди. Жаброил алайҳиссалом у зотнинг ҳузурларига келиб, сўраган эди, Аллоҳ Ўзи билса ҳам, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам нима деганларини унга (Жаброилга) айтдилар. Шунда Аллоҳ: «Эй Жаброил, Муҳаммаднинг олдига бориб, «Умматинг хусусида сени рози қиламиз, маҳзун қилиб қўймаймиз», деб айт», деди».

Имом Муслим ривояти.

[1] Иброҳим сураси, 36-оят.

[2] Моида сураси, 118-оят.



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI